

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ХУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Меҳмонов Қамбариддин Мирадхамович

Тошкент давлат юридик университети “Фуқаролик
хуқуқи” шўъбаси профессори, юридик фанлар доктори**Аннотация**

Мазкур мақолада тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг замонавий ҳуқуқий моҳияти, унинг конституциявий асослари ҳамда фуқаролик-хуқуқий кафолатлари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, тадбиркорлик эркинлигининг шартнома эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлиги ва суд ҳимояси институтлари билан ўзаро боғлиқлиги ёритилган. Мақолада миллий қонунчилик, суд амалиёти ва хорижий ҳуқуқий доктрина асосида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини таъминлаш масалалари тадқиқ этилган. Хусусан, давлат органларининг тадбиркорлик фаолиятига аралашув чегараси, ҳуқуқий аниқлик, мулкдор ҳуқуқларининг устуворлиги ҳамда тадбиркор фойдасига талқин қилиш принципининг аҳамияти таҳлил қилинган. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш ва рақамли иқтисодиёт шароитида ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик эркинлиги, хусусий мулк, шартнома эркинлиги, ҳуқуқий кафолат, суд ҳимояси, фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, ҳуқуқий аниқлик, иқтисодий фаолият, рақамли иқтисодиёт.

Аннотация

В данной статье научно анализируются современная правовая сущность свободы предпринимательской деятельности, её конституционные основы и гражданско-правовые гарантии. Освещается взаимосвязь свободы предпринимательства с институтами свободы договора, неприкосновенности частной собственности и судебной защиты. На основе национального законодательства, судебной практики и зарубежной правовой доктрины исследуются вопросы обеспечения прав субъектов предпринимательства. Особое внимание уделено пределам вмешательства государственных органов в предпринимательскую деятельность, принципу правовой определённости, приоритету прав собственника, а также принципу толкования неустранимых сомнений в пользу предпринимателя. Кроме того, разработаны предложения по совершенствованию механизмов судебной защиты прав предпринимателей и укреплению правовых гарантий в условиях цифровой экономики.

Ключевые слова: свобода предпринимательства, частная собственность, свобода договора, правовые гарантии, судебная защита, гражданское право, предпринимательское право, правовая определённость, экономическая деятельность, цифровая экономика.

Abstract

This article scientifically analyzes the modern legal nature of freedom of entrepreneurial activity, its constitutional foundations, and civil law guarantees. The study also examines the interrelation between entrepreneurial freedom and the institutions of freedom of contract, inviolability of private property, and judicial protection. Based on national legislation, judicial practice, and foreign legal doctrine, the article

explores issues related to the protection of entrepreneurs' rights. Particular attention is paid to the limits of state interference in entrepreneurial activity, the principle of legal certainty, the priority of property rights, and the principle of interpreting unresolved legal ambiguities in favor of entrepreneurs. In addition, proposals are developed for improving judicial protection mechanisms and strengthening legal guarantees in the context of the digital economy.

Keywords: freedom of entrepreneurship, private property, freedom of contract, legal guarantees, judicial protection, civil law, business law, legal certainty, economic activity, digital economy.

Бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти эркинлиги давлат иқтисодий тараққиётини таъминловчи муҳим омиллардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши, инвестиция муҳитининг яхшиланиши ҳамда рақобат механизмларининг самарали ишлаши кўп жиҳатдан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимояси ва уларнинг иқтисодий эркинлиги қай даражада кафолатланганлигига боғлиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида сўнги йилларда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Конституциянинг янги таҳририда иқтисодий фаолият эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлиги ва тадбиркорликни давлат томонидан ҳимоя қилишга оид нормаларнинг мустақамланиши мазкур соҳада ҳуқуқий кафолатларни янада кучайтирди. Конституциянинг 67-моддасига мувофиқ, тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли¹.

Замонавий ҳуқуқий доктринада тадбиркорлик эркинлиги фақат даромад олишга қаратилган фаолият билан чекланиб қолмай, балки шахснинг иқтисодий мустақиллиги, шартномавий муносабатларга ўз эрки иродаси билан киришиши ва мулкий манфаатларининг дахлсизлиги билан ҳам боғлиқ ҳолда талқин этилмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, тадбиркорлик эркинлиги хусусий ҳуқуқ тизимининг фундаментал принципларидан бири бўлиб, у фуқаролик ҳуқуқидаги диспозитивлик, шартнома эркинлиги ва тарафлар тенглиги каби тамойиллар билан узвий алоқада намоён бўлади.

Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги иқтисодий муносабатларнинг асосий тамойилларидан бири сифатида намоён бўлади. Мазкур институт шахснинг ўз иқтисодий қобиляти ва мол-мулкдан мустақил равишда фойдаланиш ҳуқуқини ифодалайди. Бозор иқтисодиётига асосланган давлатларда тадбиркорлик эркинлиги хусусий ташаббусни ривожлантириш, рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий кафолати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти субъектлар томонидан ўз таваккалчилиги ва мулкий жавобгарлиги асосида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти сифатида таърифланган². Ушбу таъриф тадбиркорликнинг бир неча муҳим белгиларини очиқ беради. Биринчидан, тадбиркорлик мустақил фаолият ҳисобланади. Иккинчидан, мазкур фаолият таваккалчилик билан боғлиқ бўлиб, тадбиркор иқтисодий хавфни ўз зиммасига олади. Учинчидан, тадбиркор ўз мажбуриятлари учун мулкий жавобгар ҳисобланади. Мазкур белгилар тадбиркорлик фаолиятини оддий фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан ажратиб туради.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

² Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” (янги таҳрири) қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 18-сон, 201-модда.

Замонавий юридик адабиётларда тадбиркорлик эркинлигига нисбатан кенгроқ ёндашув шаклланиб бормоқда. Хусусан, мазкур институт фақат иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи билан чекланмасдан, балки тадбиркорнинг шартнома тузиш, мулкдан эркин фойдаланиш, бозор иштирокчиларини мустақил танлаш ва давлат органларининг асоссиз аралашувидан ҳимояланиш ҳуқуқларини ҳам қамраб олади. Шу маънода тадбиркорлик эркинлиги хусусий ҳуқуқий автономиянинг муҳим кўриниши сифатида баҳоланади. Мазкур автономиянинг мавжудлиги бозор муносабатларининг эркин ва барқарор ривожланиши учун зарур ҳуқуқий муҳитни шакллантиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётига оид қарорида ҳам тадбиркорлик эркинлигининг ҳуқуқий мазмунига алоҳида эътибор қаратилган³. Бир марталик фуқаролик-ҳуқуқий мазмундаги битимлар (масалан, уй-жой ёки кўчмас мулкни ижарага бериш, шахсий буюмларни сотиш, пудрат ёки топшириқ шартномасига кура, онда-сонда турли майда ишларни ҳақ эвазига бажариш, ва ҳ. к) тузадиган шахсларни, ҳаттоки бундай битимлар бир неча марта амалга оширилган тақдирда ҳам, тадбиркорлар деб топиш ва бундай сифатда давлат рўйхатидан ўтишни талаб қилиш мумкин эмас. Мажбуриятларни меҳнат шартномаси (контракт) асосида бажариш ҳам тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди.

Фуқаролик кодексининг 354-моддасида мустаҳкамланган шартнома тузиш эркинлиги принципи тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг муҳим ҳуқуқий кафолатларидан бири ҳисобланади. Мазкур нормага кўра, фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркин ҳисобланади ва уларни шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди⁴. Бу қоида тадбиркорлик субъектларига ўз иқтисодий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳамкорларни танлаш, шартнома шартларини мустақил белгилаш ва бозор муносабатларида эркин иштирок этиш имконини беради. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида шартномавий автономия тадбиркорлик фаолиятининг асосий ҳуқуқий воситаси сифатида намоён бўлади.

Шартнома эркинлиги принципининг мазмуни фақат шартнома тузиш ҳуқуқи билан чекланиб қолмайди. У тарафларнинг шартнома турини танлаш, аралаш шартномалар тузиш, диспозитив нормалардан четга чиқиш ва муносабатларни ўз эҳтиёжларига мос равишда тартибга солиш ҳуқуқини ҳам қамраб олади. Бу эса тадбиркорлик муносабатларининг мослашувчанлигини таъминлайди ҳамда иқтисодий айланманинг тезкор ривожланишига хизмат қилади. Замонавий иқтисодиётда электрон тижорат, франчайзинг, аутсорсинг ва корпоратив шартномалар каби янги муносабатларнинг шаклланиши айнан шартномавий эркинлик принципининг кенг ҳуқуқий имкониятлари билан изоҳланади.

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг яна бир муҳим фуқаролик-ҳуқуқий асоси хусусий мулк дахлсизлиги принципи ҳисобланади. Конституция ва фуқаролик қонунчилигида мулкдорнинг мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи кафолатланган. Мулккий мустақиллик бўлмасдан туриб тадбиркорлик эркинлиги ҳақида сўз юритиш мумкин эмас. Чунки ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти муайян мулкый база, капитал ва иқтисодий ресурсларга таянади. Шу сабабли хусусий мулкнинг дахлсизлиги бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосини ташкил этади ва тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий барқарорлигини таъминлайди.

Фуқаролик ҳуқуқидаги диспозитивлик принципи ҳам тадбиркорлик фаолияти эркинлиги билан бевосита боғлиқдир. Мазкур принципга кўра, тарафлар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонун доирасида мустақил белгилаш имкониятига эга бўлади. Давлат эса хусусий муносабатларга фақат зарур ҳолларда

³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 11 декабрдаги “Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 20-сон қарори. <https://lex.uz/docs/2307198>.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т. Адолат. 2025 йил. 496-б.

аралашади. Бу ҳолат тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Агар давлат хусусий муносабатларга ортиқча аралашса ёки шартномавий эркинликни асоссиз чекласа, бу бозор механизмларининг самарали ишлашига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Тадбиркорлик муносабатларида инсофлилик ва оқилоналик принциплари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Замонавий фуқаролик ҳуқуқида мазкур принциплар тарафларнинг ҳуқуқларини амалга оширишда адолат ва ҳалоллик мезонларига риоя қилишни талаб этади. Тадбиркорлик субъектлари ўз ҳуқуқларидан бошқа иштирокчиларга зарар етказиш ёки рақобатни чеклаш мақсадида фойдаланмаслиги лозим. Шу сабабли инсофлилик принципи бозор муносабатларида ҳуқуқий мувозанатни таъминловчи муҳим омил сифатида баҳоланади. Хусусан, инсофсиз рақобат, монополь ҳаракатлар ёки шартномавий ҳуқуқларни суистеъмол қилиш ҳолатлари мазкур принципнинг бузилиши сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган кенг қамровли механизмлар назарда тутилган. Хусусан, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, давлат органларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқий ҳимоя воситалари аниқ белгилаб берилган. Мазкур Қонуннинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, у тадбиркорлик муносабатларида хусусий манфаатларни давлат ҳокимияти таъсиридан ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишга қаратилган.

Хорижий ҳуқуқий доктринада тадбиркорлик эркинлигини таъминлашда “rule of law” ва хусусий мулк муҳофазаси ўзаро боғлиқ фундаментал институтлар сифатида баҳоланади. Niklas Elert, Magnus Henrekson ва Mark Sanders фикрича, қонун устуворлиги ва мулк ҳуқуқларининг ишончли ҳимоя қилиниши тадбиркорлик фаолияти учун барқарор ҳуқуқий муҳит яратади ҳамда иқтисодий субъектларни инвестиция киритиш ва инновацион фаолият билан шуғулланишга рағбатлантиради. Муаллифлар заиф ҳуқуқий кафолатлар шароитида тадбиркорлар ўз капиталини расмий иқтисодиётдан яширин секторга олиб чиқишга мойил бўлишини таъкидлайдилар. Бу эса иқтисодий муносабатларда ҳуқуқий ишончнинг сусайиши ва бозор механизмларининг самарасиз ишлашига олиб келади.

Мазкур ёндашув миллий қонунчиликда мустаҳкамланган хусусий мулк дахлсизлиги ва тадбиркорлик эркинлиги принциплари билан ҳамоҳанг ҳисобланади. Айниқса, муаллифлар ҳуқуқий кафолатларнинг формал мавжудлиги эмас, балки уларнинг амалда самарали ишлаши ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини қайд этадилар. Улар “de jure” ва “de facto” институтлар ўртасидаги фарқни кўрсатиб, қонунларда белгиланган ҳуқуқлар амалда тўлиқ таъминланмаса, тадбиркорлик муҳити барқарор ривожланмаслигини таъкидлайди. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда ҳам тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини суд орқали самарали ҳимоя қилиш, давлат органлари аралашувини чеклаш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳуқуқий аниқликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Муаллифлар томонидан илгари сурилган яна бир муҳим доктринал ғоя шундан иборатки, хусусий мулк ҳуқуқи мутлақ характерга эга эмас ва у жамият манфаатлари билан мутаносиб равишда амал қилиши лозим. Хусусан, улар интеллектуал мулк муҳофазаси ҳаддан ташқари кучайтирилса, инновация ва билимлар тарқалишига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини қайд этадилар. Шу сабабли тадбиркорлик эркинлиги ва жамоат манфаатлари ўртасида ҳуқуқий мувозанат сақланиши зарур. Бу ёндашув тадбиркорлик соҳасида давлатнинг вазифаси иқтисодий жараёнларга ортиқча

аралашини эмас, балки адолатли рақобат ва ҳуқуқий барқарорликни таъминлашдан иборат эканлигини кўрсатади⁵.

Юқоридаги муаллифларнинг хусусий мулк муҳофазаси иқтисодий ривожланишнинг асосий шarti эканлиги ҳақидаги фикрини қўллаб-қувватлаш мумкин. Бироқ, фикримизча, замонавий тадбиркорлик муносабатларида фақат мулк ҳуқуқининг формал ҳимоя қилиниши етарли эмас. Суд амалиётида ҳуқуқий аниқлик, далилларни баҳолашнинг ягона мезонлари ва тадбиркор фойдасига талқин қилиш принципининг изчил қўлланилиши ҳам тадбиркорлик муҳитининг барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Бошқа муалифлар эса, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг самарали усули ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш, шунингдек мулк ҳуқуқларни мустақил ҳимоя қилишнинг самарали чораларини, қонуний манфаатларни муҳофаза қилиш усулларини ва оператив таъсир чораларини қўллашдан иборат ҳисобланади деб таъкидлашади⁶.

Фикримизча, замонавий ҳуқуқий давлат шароитида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, аввало, мустақил суд ҳокимияти, ҳуқуқий аниқлик ва давлат органлари аралашувининг қонуний чегаралари орқали таъминланиши лозим. Агар тадбиркор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти билан боғлаб қўйилса, бу хусусий ҳуқуқий муносабатларнинг оммавий-ҳуқуқий усуллар орқали ортикча тартибга солинишига олиб келиши мумкин.

В. Т. Батычкoning фикрича, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш – бу ҳуқуқ эгалари томонидан бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқ ва манфаатларни тиклаш ёки тан олишга қаратилган норматив жиҳатдан белгиланган чоралар (механизмлар) мажмуаси бўлиб, улар муайян шаклларда, аниқ усуллар орқали, қонунчиликда белгиланган чегаралар доирасида, ҳуқуқбузарларга нисбатан юридик жавобгарлик чораларини қўллаш ҳамда мазкур чораларнинг амалий ижросини таъминлаш механизми орқали амалга оширилади⁷.

Ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари деганда, қонун билан тақиқланмаган, ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш, уларнинг оқибатларини тугатиш ҳамда ҳуқуқбузар шахсга нисбатан таъсир кўрсатиш орқали амалга ошириладиган чоралар (воситалар) тушунилади⁸. Фикримизча, мазкур таърифда ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари асосан ҳуқуқбузарлик содир этилганидан кейин қўлланиладиган таъсир чоралари сифатида талқин қилинган. Замонавий тадбиркорлик муносабатларида эса ҳуқуқий ҳимоя институти фақат ҳуқуқбузарлик оқибатларини бартараф этиш билан чекланмаслиги лозим.

Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси уни мустақил равишда амалга ошириш ва у билан боғлиқ таваккалчиликни назарда тутишига қарамасдан, қонунчилик тадбиркорларни ҳимоя қилиш мақсадида янги ҳуқуқий институтларни жорий этмоқда ҳамда суд жараёни иштирокчилари доирасини кенгайтирмоқда⁹. Давлат тадбиркорнинг иқтисодий қарорларини назорат қилувчи ёки уни хавфдан “сақловчи” субъект сифатида эмас, балки қонуний рақобат, мулк дахлсизлиги ва суд ҳимоясини таъминловчи сифатида кўрилади.

⁵ Elert, N., Henrekson, M., Sanders, M. (2019). Entrepreneurship, the Rule of Law, and Protection of Property Rights. In: The Entrepreneurial Society. International Studies in Entrepreneurship, vol 43. Springer, Berlin, Heidelberg. https://doi.org/10.1007/978-3-662-59586-2_2

⁶ Маркина М.В., Соколов Ю.В. Защита прав предпринимателей в чрезвычайных ситуациях // Юридическая наука. 2021. №5. 70-б. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zaschita-prav-predprinimateley-v-chrezvychaynyh-situatsiyah>

⁷ Батычко В.Т. Предпринимательское право. Конспект лекций. – Таганрог: ТТИ ЮФУ, 2011 г. – 116 с.

⁸ Лебедев К.К. Хрестоматия по предпринимательскому и коммерческому праву. – М.: Издательство Р. Асланова "Юридический центр Пресс", 2001. – 562 с. 12-б.

⁹ Громоздина М. В., Токарева Е. В., Чупина А. М. Проблемные аспекты в вопросе о защите прав предпринимателей // Инновационная наука. 2016. №12-2. 160-б. <https://cyberleninka.ru/article/n/problemnye-aspekty-v-voprose-o-zaschite-prav-predprinimateley>

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишда суд ҳокимияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки иқтисодий муносабатларда иштирок этувчи субъектлар ўртасидаги низолар, давлат органларининг қарорлари ёки мулк ҳуқуқлар билан боғлиқ баҳслар охир-оқибат суд тартибида ҳал қилинади. Шу нуқтаи назардан суд тизимининг мустақиллиги, ҳолислиги ва ҳуқуқий позициясининг барқарорлиги тадбиркорлик муҳитининг жозибдорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Суд амалиётига эътибор қаратадиган бўлсак, суд томонидан 2019 йил 16 октябрда кўрилган фуқаролик ишида даъвогар А.Мажидов ва Э.Мажитовалар ўзларига қарашли савдо дўкони бузилганлиги, баҳоловчи ташкилотлар эса, турлича ёндашганлиги, ўзларига етказилган зарарни қоплаш ишлари сансалорликка йўл қўйилаётганлиги сабабли судга даъво ариза билан мурожаат қилишган. Мазкур суд ишида мол-мулк қийматини аниқлаш масаласи бўйича бир нечта баҳоловчи ташкилотлар ва экспертиза хулосалари мавжуд бўлганлиги ишнинг мураккаб хусусиятга эга эканлигини кўрсатади. Хусусан, иш материалларида 4251/16 ва 4252/16-сонли экспертизалар якуний экспертиза сифатида қайд этилган бўлиб, улардан олдин ҳам турли баҳоловчи компаниялар томонидан бир неча марта баҳоланган ишлари амалга оширилган. Бу ҳолат мол-мулкнинг ҳақиқий қийматини белгилашда муайян зиддиятлар ва ҳуқуқий ноаниқликлар мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Бундай вазиятларда суд томонидан далилларни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона баҳоланган муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, хусусий мулк ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатларда экспертиза хулосалари ўртасида тафовут мавжуд бўлиши мулкдор манфаатларига бевосита таъсир кўрсатиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, судлар томонидан фақат формал далиллар билан чекланиб қолмасдан, мулк ҳуқуқларнинг конституциявий муҳофазаси ва иқтисодий адолат тамойилларини ҳам инобатга олиш талаб этилади.

Мазкур ҳолатда “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасида мустаҳкамланган мулкдор ҳуқуқларининг устуворлиги принципи алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Мазкур нормага мувофиқ, хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар мулкдор фойдасига талқин қилиниши лозим. Экспертиза хулосалари ўртасидаги фарқлар ҳам муайян ҳуқуқий ноаниқликни юзага келтирганлиги сабабли, бундай вазиятда мулкдор манфаатларини устувор қўйиш ҳуқуқий принципларига мос келади¹⁰.

Миллий қонунчиликда тадбиркорлик субъектлари фойдасига талқин қилиш принципининг мустаҳкамлангани ҳам муҳим ҳуқуқий янгиликлардан бири ҳисобланади. Қонунчиликка мувофиқ, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъекти фойдасига талқин этилади. Мазкур қоида давлат органлари ва назорат тузилмаларининг ҳуқуқни суиистеъмол қилиш ҳолатларини чеклашга хизмат қилади. Шу билан бирга, мазкур принцип хусусий секторнинг ҳуқуқий ишончини мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик муҳитини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга.

Бозор иқтисодиёти шароитида шартномавий муносабатлар тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Чунки тадбиркорлик субъектлари товар айирбошлаш, хизмат кўрсатиш, инвестиция киритиш ва ҳамкорлик муносабатларини асосан шартномалар орқали амалга оширади. Шу сабабли шартнома эркинлиги принципининг самарали амал қилиши иқтисодий муносабатларнинг барқарорлиги ва тадбиркорлик ташаббусининг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Фуқаролик

¹⁰ Фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг қарори. №2-1101-1901-24360-сонли фуқаролик иши.

ҳуқуқида шартнома хусусий автономиянинг асосий ҳуқуқий воситаси сифатида қаралади ва у тарафларнинг иқтисодий манфаатларини мустақил равишда рўёбга чиқариш имконини беради.

Шартномавий муносабатларда тарафларнинг тенглиги тадбиркорлик эркинлигининг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Давлат органлари ёки бошқа кучли иқтисодий субъектларнинг шартнома мазмунига асосиз аралашуви бозор муносабатларининг табиий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли фуқаролик қонунчилигида тарафларнинг эркин хоши-иродасига алоҳида аҳамият берилган. Айниқса, диспозитив нормаларнинг мавжудлиги тарафларга ҳуқуқий муносабатларни ўз иқтисодий эҳтиёжларига мослаштириш имконини яратади. Бу эса тадбиркорлик муносабатларининг динамик ва мослашувчан хусусиятга эга бўлишини таъминлайди.

Замонавий иқтисодий муносабатларда электрон шартномаларнинг кенг қўлланилиши тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг янги кўринишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Рақамли технологияларнинг ривожланиши натижасида шартномаларни масофадан туриб тузиш, электрон рақамли имзо орқали тасдиқлаш ва автоматлаштирилган ҳисоб-китобларни амалга ошириш амалиёти кенгайиб бормоқда. Бу эса иқтисодий айланманинг тезкорлигини ошириш ва тадбиркорлик харажатларини қисқартириш имконини беради. Шу билан бирга, электрон муносабатларда ахборот хавфсизлиги, шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш ва электрон далилларнинг юридик кучини таъминлаш каби масалалар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари назарда тутилган. Хусусан, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун ҳамда маъмурий ва жиноят қонунчилигида давлат органлари томонидан тадбиркорлик фаолиятига ғайриқонуний аралашуш ҳолатлари учун махсус жавобгарлик белгиланган. Бу эса қонун чиқарувчи томонидан тадбиркорлик эркинлигини муҳофаза қилишга алоҳида аҳамият берилганлигини кўрсатади. Айниқса, давлат органлари ваколатларининг аниқ ҳуқуқий чегаралар билан белгиланиши мансабдор шахсларнинг ҳуқуқни суиистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Аввало, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонунчилик нормаларини тизимлаштириш ва ягона ҳуқуқий механизм сифатида такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Амалда тадбиркорлик соҳасига оид нормалар турли қонунчилик ҳужжатларида тарқоқ ҳолда мавжуд бўлиб, бу айрим ҳолатларда ҳуқуқни қўллаш амалиётида ноаниқликларни келтириб чиқармоқда. Шу сабабли тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, давлат органларининг ваколатлари ва ҳуқуқий ҳимоя чораларини комплекс тарзда қамраб олувчи ягона кодификациялашган ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмларини янада такомиллаштириш ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Хусусан, иқтисодий судларда ишларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, электрон далиллардан фойдаланиш тартибини аниқ белгилаш ва экспертиза тайинлаш амалиётини ягона стандартлар асосида тартибга солиш зарур. Айниқса, мулкӣ низолар бўйича турли экспертиза хулосалари ўртасида зиддиятлар келиб чиққан ҳолларда судлар учун аниқ методологик мезонларни белгилаш ҳуқуқий аниқликни таъминлашга хизмат қилади. Бу эса мулкдор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Рақамли иқтисодиёт шароитида электрон тижорат ва онлайн шартномалар билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни кучайтириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Амалда электрон платформалар орқали амалга оширилаётган тадбиркорлик муносабатлари тез суръатларда ривожланмоқда, бироқ айрим ҳуқуқий масалалар ҳануз тўлиқ тартибга солинмаган. Хусусан, электрон шартномаларнинг далил сифатидаги юридик кучи, рақамли активлар билан боғлиқ муносабатлар ва

онлайн низоларни ҳал қилиш механизмларини янада такомиллаштириш талаб этилади. Бу эса рақамли иқтисодиёт иштирокчилари учун ҳуқуқий барқарорлик ва ишонч муҳитини таъминлайди.

Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги замонавий ҳуқуқий давлат ва бозор иқтисодиётининг фундаментал асосларидан бири ҳисобланади. У нафақат шахснинг иқтисодий ташаббусини амалга ошириш ҳуқуқини, балки хусусий мулк дахлсизлиги, шартнома эркинлиги ва иқтисодий мустақиллик каби муҳим ҳуқуқий қадриятларни ҳам қамраб олади. Шу нуқтаи назардан тадбиркорлик эркинлиги фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи ва конституциявий ҳуқуқнинг ўзаро боғлиқ институти сифатида намоён бўлади. Мазкур институтнинг самарали амал қилиши давлатнинг иқтисодий сиёсати, ҳуқуқий кафолатлар тизими ва суд ҳимоясининг қай даражада таъминланганлиги билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратган. Айниқса, хусусий мулк дахлсизлиги, шартнома тузиш эркинлиги, тадбиркор фойдасига талқин қилиш принципи ва суд орқали ҳимоя қилиш механизмларининг мустаҳкамлангани иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, суд амалиёти таҳлили тадбиркорлик муносабатларида ҳуқуқий аниқлик ва далилларни баҳолаш масалалари ҳануз долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш самарали ҳуқуқий кафолатлар, мустақил суд ҳокимияти ва хусусий мулкни ишончли муҳофаза қилиш орқали амалга оширилади. Давлат томонидан тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган изчил ҳуқуқий сиёсатнинг юритилиши мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш, хусусий сектор фаоллигини ошириш ва иқтисодий ислохотларнинг самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.